
Маданий-маърифий тадбир “ОТАЛАР ЧОЙХОНАСИ”

Қадимий ва ҳамиша навқирон Марғилон шаҳрида жойлашган Ижодкорлар боғида Марғилон шаҳар ҳокимлиги ҳамда Рухсор телерадиоканали ташаббуси билан “Оталар чойхонаси” номли маданий-маърифий тадбири ташкил этилди.

Унда шаҳримиздаги маҳаллаларда истиқомат қилиб келаётган ёши улур нуроний отахонлар ҳамда чинакам санъатга шинаванда марғилонликлар иштирок этишди.

Тадбирни шаҳар ҳокими Ш.Нисбатхонов кириш сўзи билан очиб, Марғилон халқи чинакам санъатга шинавандалиги, неча йиллик тарихга эга бу кўркам боғда буюк санъат дарғалари иштирокида “Оталар чойхонаси” сингари маданий-маърифий учрашувлар кўплаб ўтказилиб келинганлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбир давомида элимиз ардоғидаги санъаткорлардан Абдулхай Каримов, Илҳом Иброҳимов, Муҳсинбек Мўминов ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар, шунингдек, таниқли сўз усталарининг ичакузди хангомалари марғилонлик кулгу шинавандаларининг кайфиятига кўтаринкилик улашди.

2024-05-20 21:46:50